

Омонтош МАЖИДОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
декан ўринбосари

МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Маълумки, ҳар бир халқ бутун инсониятга хос умумий орзу-умидлар, мақсад-муддаолар, эркин ҳаёт ва адолатли тузум, бахтиёр ва фаровон жамият қурилиши, фарзандларининг келажаги ҳақидаги эзгу ғояларга суяниб яшайди. Озодлик ва мустақиллик, адолат, ҳақиқат, дўстлик, тенглик ва ҳамкорлик, тинчликсеварлик ва инсонпарварлик ғоялари шулар жумласидандир. Асрлар мобайнида бундай буюк, ўлмас ғоялар халқларга куч-қувват ва илҳом бағишлаб, уларни ўз бахту саодати, фаровонлиги учун курашга сафарбар этиб келгани шубҳасиз.

Ўзбекистон мустақил тараққиёт ва истиқлол йўлида, янги жамият, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш жабҳасида қанча кўп тажрибага эга бўлаётган экан, илгари учрамаган оғир, ўта мураккаб синов ва ҳаёт тўфонларини енгиб, янги марраларни қўлга киритиб, эзгу орзу-ниятлар сари қадам қўяётган экан, ҳеч шубҳасиз халқимиз учун муҳим бир ҳақиқат тобора аниқ ва равшан бўлиб бормоқда. Бу Ўзбекистоннинг ер юзида янгиланган ва ривожланган давлат бўла олишига мустаҳкам ишончдир.

Мамлакатимиз иқтисодий ислохотларни ўтказишда узоқ ва давомли миллий манфаатларимизни кўзда тутган ҳолда, ўта жўн ва алдамчи тасаввурлардан ўз вақтида

воз кеча олди. Маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бошқарувнинг бозор тизимига ўтиш жараёнида тадрижий тамойилга таянган ҳолда, ислохотларни изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш йўлини танлади. Энг муҳими, парокандалик ва бошбошдоқлик таъсирига тушиб қолмаслик учун ўтиш даврида айнан давлат бош ислохотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олиши зарурлиги аниқ белгилаб олинди.

Президент Шавкат Мирзиёев томонидан амалга оширилаётган янгиланиш сиёсати республикаимиз танлаган тараққиёт модели, мамлакатни ислоҳ этиш, модернизациялаш, техник ва технологик янгिलाш, иқтисодий диверсификация қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ана шу мустаҳкам заминга таяниб, ўзининг юксак самарасини кўрсатмоқда.

Маънавий юксалиш ҳар бир одамнинг имконият ва салоҳиятини ошириш демакдир. Бу эса ҳар бир кишига хос биологик, психологик ва интеллектуал жиҳатларни кучайтиришни тақозо қилади. Бунинг учун ушбу жараён пишиқ ва пойдевор бўлиши, бир маротабалик тадбир бўлиб қолмаслиги керак. Шунинг учун илмий асосга қурилмоғи керак. Яъни, маънавий юксалишнинг назарий, эмпирик

асосларини яратиш, Ўзбекистонликларнинг ижтимоий ва меҳнат фаоллигини, уларни жамиятни бошқаришга реал жалб қилишнинг ижтимоий механизмларини ишлаб чиқиш, шахс манфаатларини ифодалашнинг ошкоралигини таъминлаш зарур.

Халқимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгач, мамлакат ўтмишига, бой тарихий меросига, маънавий қадриятлар ва анъаналарга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Мустабид тузум даврида миллатимиз ва халқимизни камситувчи бузиб кўрсатилган тарихий ҳақиқатлар тикланди. Миллий байрамлар ва урф-одатлар асл ҳолига қайтди. Азиз авлиёларимизнинг қаровсизликдан нураб, деяри йўқ бўлиб кетиш арафасига келиб қолган мақбаралари, масжид ва мадрасалар тубдан таъмирланди.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши миллий маданиятимиз тарихини ўрганиш, у ҳақда ҳолисона фикр билдириш борасида катта имкониятлар яратди. Осори-атикаларимизни асраш, миллий қадриятларимизни тиклаш, қадимий бой тарихимизни тўлақонли ёритиш имконияти туғилди. Ўтган 30 йилга яқин вақт орасида мустақиллик биз учун энг улуғ, энг азиз қадрият бўлиб, миллий ўзлгимиз, ор-номусимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи сифатида шу муқаддас заминда яшаётган барча ватандошларимиз қалбидан мустаҳкам ўрин эгаллади.

Бугунги кунда халқимиз асрлар мобайнида эзгу ният қилиб келган мустақилликни сақлаш ва мустаҳкамлаш ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг муқаддас бурчидир. Бунинг учун барча бир ёқадан бош чиқариб, муқаддас она-Ватаннинг ҳаётий манфаатларини юракдан ҳис этган ҳолда уларни рўёбга чиқариш учун фаол ҳаракат қилиши, курашиши зарур. Бу жараён халқимизнинг манфаатларини, уларни ўзида мужассам этадиган мустақиллик неъматини англаш билан боғлиқ ҳолда кечади. Ватан ва унинг мустақиллиги манфаати ҳар бир фуқаро манфаатлари билан узвий боғланган. Чунки, Ватаннинг мустақиллиги, ободлиги, юртнинг тинчлиги ва фаровонлиги халқнинг бирлиги ва тафаккурига боғлиқ.

Шундай экан, истиқлол ва мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг му-

ҳим тамойилларидан бири инсон қадр-қимматини ҳар томонлама юксалтириш, халқ фаровонлигини оширишдан иборат. Бунга эришиш учун халқимиз, юртимиз фуқароларининг ҳамжиҳатлиги ва бирдамлиги, тафаккурини мустаҳкамлаш талаб этилади. Бу вазифа Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг моҳиятини ташкил этади.

Маънавий юксалиш бугунги кунда миллати ва динидан қатъи назар, фуқароларимизнинг қалбида она Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқат ва ўзаро ҳурмат туйғусини қарор топтиришга хизмат қилмоқда. Тараққиёт ва ривожланиш ғоялари эса жамоатчилик қалби ва онгига фикрлар хилма-хиллиги, виждон эркинлиги тамойилларига аҳамият берган ҳолда маърифий йўл билан сингиб бормоқда. Жамиятда маънавий юксалишни таъминлаш омили сифатида миллий сиёсат тамойиллари миллатчилик, ирқчилик, бошқа миллатларни камситиш ҳамда бирор миллатни бошқа бир миллатга сингдириб юбориш каби ғайриинсоний ва ғайримиллий сиёсат кўринишларини мутлақо инкор этади ва у ўз навбатида умумбашарий инсон ҳуқуқларини эътироф этишга асосланади. Ўзбекистон Конституциясига кўра, республикамызда миллий, ирқий ва диний адоватга асосланиб сиёсат юритадиган партиялар, ташкилотлар, ҳаракатларнинг фаолият юритиши қатъиян маън этилган.

Бугунги жамият маънавий ҳаётида ҳар бир кишининг бир мамлакат доирасида миллий манфаатларни тенг қондириш, улар ривожини таъминлаш жуда муҳим эканини англаши билан боғлиқ туйғу устуворлиги миллатлараро масалани тўғри ҳал қилишга хизмат қилади. Унга кўра, бир жамиятда, яъни Ўзбекистонда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг маънавий меъзонларига кўра, ҳар бир миллат вакилининг истеъдоди ва салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш учун шарт-шароит яратилди. Бундай шароитда эса, ўз навбатида жамият маънавий ҳаёт динамикасини таъминлашнинг муҳим омили сифатида намоён бўлади.

Ўзбекистондаги бугунги маънавий юксалиш жараёнида миллатлараро тотувлик билан

бирга виждон эркинлиги ва диний бағрикенгликка ҳам алоҳида эътибор берилаётгани асло бежиз эмас, албатта. *Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг муҳим таркибий қисмига айланган диний бағрикенглик ғояларига кўра*, асрлар оша безавол яшаб келаётгани дин омили халқимиз маънавий ҳаётининг таркибий қисмига айланган, қон-қонига, онгу шуурига сингиб кетган.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда динлараро бағрикенглик нафақат диндорлар, балки бутун жамият аъзоларининг эзгулик йўлидаги ҳамкорлигини назарда тутган, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг муҳим шarti ҳисобланган ғоя сифатида эътироф этилди. Шу нуқтаи назардан қараганда, ушбу ғоя демократик жамият куриш йўлидан бораётган мамлакатимиз турли динларга мансуб кишиларнинг манфаатларини уйғунлаштириш, улар орасидаги тотувликни таъминлаш борасидаги ишларнинг асосий мезонига айланди.

Бу ўз навбатида, эркин фуқаролик жамияти, дунёвий давлат барпо этишга хизмат қилади. Ушбу жараёнда жамият маънавий ҳаётининг ҳукукий асослари ишлаб чиқилган ва халқимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Давлат қонуний асосда барча динларга, барча эътиқод эгаларига тенг имкониятлар яратиб берган. Диний ташкилотлар билан муносабатларнинг қонун асосида, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат ва ҳимоя қилиш асосида олиб борилаётгани эътиқод эркинлигини амалда таъминламоқда. Айни вақтда диний ташкилотлар ҳам қонун олдидаги бурч ва мажбуриятларини бажариш йўлида ўз хоҳиш-иродаси билан боғлиқ фаолият олиб бориши учун барча имкониятларга эгадир.

Бугунги кунда юртимизда барча динларнинг ривожланиши учун баб-баробар шарт-шароитлар яратилган. Ҳукуматимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида мамлакатимиздаги турли диний ташкилотлар вакилларининг бир-бирлари билан дўстона муносабатлар ўрнатишлари ва ҳамкорликда фаолият кўрсатишларига яқиндан ёрдам кўрсатмоқда. Бу эса, ўз навбатида, динлараро ва миллатлараро дўстона муносабатлар риштасини янада мустаҳкамламоқда. Миллий давлатчилигимизга хос бўлган динлараро

бағрикенглик, фуқаролараро ҳамжиҳатликни таъминлаш ва унинг тобора мустаҳкамланиб боришига қаратилган давлатимиз сиёсати ва унинг инсон шахсини қадрлаш, унинг эркига дахл қилмаслик, миллий қадриятларга ҳурмат билан қараш каби тамойиллари фақатгина Марказий Осиё эмас, балки узоқ хориж давлатларининг ҳам назарига тушмоқда. Айни замонда, инсонларнинг қалби ва онгига миллий истиқлол ғояси тамойилларини сингдиришга қаратилган изчил сиёсат ўз натижасини бермоқда. Яъни, одамларнинг дунёқараши ўзгариб борапти. Диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва турли конфессиялар ўртасида муроса шароитини мустаҳкамлашга қаратилган фаолиятнинг ижобий натижалари яққол намоён бўлмоқда. Ватанимизда турли динлар ва дин вакиллари ўртасида умумбашарий қадриятлар асосида биродарликни мустаҳкамлашга муҳим эътибор берилмоқда.

Биламизки, мустақиллик миллати ва динидан қатъи назар, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси қалбида она-Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқат ва ўзаро ҳурмат туйғусини қарор топтирди. Бу туйғу ҳар бир фуқаро онгига Ватаннинг муқаддаслигини сингдиришга хизмат қилади, жамоатчилик қалби ва онгига фикрлар хилма-хиллиги, виждон эркинлиги каби демократик тамойилларга риоя қилган ҳолда маърифий йўл билан сингдирилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон демократик ҳукукий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан қатъият билан бормоқда. Маълумки, бир даврдан иккинчи даврга ўтаётган жамият кучли ислохотлар ва маънавий юксалиш орқалигина янгиланади. Бунинг учун эса маънавий юксалиш зарур бўлади. Маънавий юксалиш учун эса муайян ижтимоий муҳит лозим. Ўзбекистонда бундай муҳит осон яратилгани йўқ. Бу борада тараққий топган давлатлар мисолида ўзини оқлаган илғор тажрибалар ҳам чуқур ўрганилди. Энг муҳими, халқимизнинг ҳаёт тарзи, миллий анъана ва қадриятларимиз, аҳолининг руҳи ва кайфияти ҳам ҳар томонлама ҳисобга олинди. Чунки ҳар қандай ислохотнинг пировард натижаси, аввало, унинг заруратини аҳолининг кенг қатламлари қай даражада тушуниши ва қўллаб-қувватлаши, бу ўзгаришларнинг инсон

хаётига, унинг фаровонлигини оширишга кўрсатадиган амалий таъсири билан ўлчанади. Ана шу ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда, одамларга ислохотларнинг маъно-моҳиятини аниқ-равшан тушунтириб бериш, шу асосда жамият аъзоларида ишонч уйғотиш, уларни бунёдкорлик сари сафарбар этиш муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Аслида, ҳар қандай маънавий юксалиш самараси, аввало, халқ дунёқарашининг янгилалиши, тафаккурининг юксалиши, юз бераётган ўзгаришлар унинг ҳаёти ва тақдирига дахлдор бўлганини чуқур ҳис қилиши, ундан хулоса чиқариши билан белгиланади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида ана шу нозик жиҳатга алоҳида эътибор берилмоқда. Барча ўзгариш ва янгилалишларнинг марказига инсон ва унинг манфаатлари қўйилаётгани бежиз эмас.

Биргина мисол: 2018 йилнинг 12 декабр куни БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи мажлисида лойиҳаси Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган. “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюциянинг қабул қилиниши ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди. Мазкур резолюция БМТга аъзо барча давлатлар томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди ва Шимолий Америка, Лотин Америкаси, Осиё, Африка ва бошқа қитъаларнинг элликдан зиёд мамлакати билан ҳам муаллифликда қабул қилинди. Айни пайтда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган мазкур ҳужжатда аъзо давлатларга миллий ва халқаро ОАВ, жумладан, интернет тармоғида кенг қўламли тарғибот ишларини йўлга қўйиш, бағрикенглик, зўравонликка барҳам бериш ҳамда дин ва эътиқод эркинлигига доир маърифий ахборот тарқатиш каби тегишли коммуникацион стратегияни жорий этиш таклиф қилинмоқда.

Бу мисоллар диний бағрикенгликка асос бўлган жамиятимиз ҳаётининг пойдевори маърифат ва маънавият эканлигини кўрсатади. Ўз навбатида бу, бугунги кунда жамият ҳаёти умуминсоний тамойиллар, ислом, христианлик ва бошқа динларга хос эътиқод, анъана ва урф-одатлар, рангба-ранг турмуш тарзидан иборат анъанавий мезонларни ўзида хос акс эттираётганини англатади. Айни пайтда, юксалиб бораётган жамият маънавий ҳаёт

динамикасида юртимизда яшаётган барча халқларнинг ва дин вакиллариининг ижтимоий қиёфаси, ўтмиши, бугунги ҳаёти, келажак билан боғлиқ орзу-умидлари асрлар оша ёнма-ён яшаш жараёнида шакланган ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, қардошлиқ туйғулари уйғунлашган тарзда намоён бўлади. Айнан ана шу қадриятлар эса юртимизда осойишталик, тинч-тотув турмуш тарзини таъминлаш, барча миллатлар ва диний конфессиялар вакиллари ҳамжиҳатлигини янада мустаҳкамлаш, асрлар давомида шакланган вазминлик, меҳр-оқибат каби умуминсоний тамойилларни барқарор қилишга ёрдам беради.

Хуллас, бугун жамиятимиз ҳаёти Шарқ ва Ғарб цивилизациясига мос умуминсоний тамойиллар, ислом, христианлик ва бошқа динларга хос эътиқод, анъана ва урф-одатлар, ранг-баранг турмуш тарзидан иборат анъанавий мезонларни ўзида акс эттиради. Унда нафақат юртимизда яшаётган халқлар ва дин вакиллариининг ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, қардошлиқ туйғулари, балки бугунги кунда бу борада мамлакатимизда олиб борилаётган изчил сиёсатнинг самаралари ҳам муайян тарзда ўз аксини топади. Бунда айниқса, демократик жамият қуриш тамойилларига мос равишда, мамлакатимизда миллий ва диний омилларга нисбатан тўғри муносабат белгилаб олингани ва барча ижтимоий, маънавий-маданий тараққиёт ўзанига батамом мос келадиган фаолият олиб борилганида намоён бўлади. Бу жиҳатдан, давлатнинг диндан, диннинг давлатдан ажратилгани ва виждон эркинлиги тамойилига амал қилинаётгани фуқаролик жамиятига мувофиқ эканини ҳаётнинг ўзи ҳар қадамда тасдиқламоқда.

Дунёдаги кўплаб иқтисодий, ижтимоий-сиёсий масалалар мураккаблашиб, глобаллашиб бораётган бугунги кунда жамиятимиз ҳаётида миллатлараро мулоқот, сабр-тоқат, диний толерантликни кучайтириш ҳар жиҳатдан долзарб вазифага айланди. Ушбу жараёнда юртимизда тўпланган асрий тажрибалардан унумли фойдаланиш, бу борада замонавий реалликларни инобатга олган ҳолда мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш янада муҳим аҳамият касб этмоқда.